

Лойиҳачилар учун танловда иштирок этиш шартлари ва маълумотлар

№		
1	Буюрмачи ташкилот номи	Бухоро вилояти божхона бошқармаси
2	Объект номи	“Олот” чегара божхона пости йўл қопламасини темир бетон қопламага алмаштириш ҳамда худудни ободонлаштириш
3	Таклифларни баҳолаш мезонлари ва қўриб чиқиш тартиби	Харид комиссияси аъзолари томонидан овоз бериш орқали
4	Танлов ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзили:	Махсус электрон портал http://etender.uzex.uz
5	Танловни ўтказиш манзили, жойи ва санаси	Бухоро вилояти Бухоро шаҳар Б.Нақшбанд кўчаси 352 уй. Махсус электрон порталда http://etender.uzex.uz да эълон берилган санадан 5 иш кунидан сўнг.
6		Айланма маблағлари тўғрисида банкдан охириги 3 йиллик маълумотнома
7		Солиқдан охириги 3 йиллик баланс (тасдиқланган)
		Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга 3-ИЛОВАга мувофиқ асосий мутахассислар билан мажбурий таъминланганлик
		Охириги 3 йилда мазкур объект тоифаси ва қувватига мос иш тажрибасининг мавжудлиги (гост комиссия, шартнома, форма 3 лари)
		Туман ва шаҳар Давлат солиқ идорасидан иштирокчининг қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.
		Иштирокчи томонидан коррупция қўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш
8	Лицензия талаб этиладиган иш турлари (талаб этиладиган ҳолларда)	Вазифада назарда тутилган категорияли объектларни лойиҳалаштириш учун гувоҳнома ва лицензия мавжудлиги
9	Иштирокчиларнинг танлов ҳужжатлари бўйича тушунтиришлар олиш муддати	Таклифларни топширишнинг охириги муддати ва вақтигача
10	Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатлари	http://etender.uzex.uz сайтида эълон берилган санадан 5 иш куни
11	Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш муддати	Шартнома имзоланган кундан 30 календарь куни
12	Танлов ҳужжатининг тили	Ўзбек ва рус тиллари
13	Танлов таклифининг амал қилиш муддати	Танлов таклифлари очилган кундан бошлаб комиссия томонидан таклифларни баҳолаш якунига қадар
14	Танлов таклифларини қабул қилиш вақти ва манзили	Таклифларни қабул қилишнинг охириги вақти http://etender.uzex.uz сайтида кўрсатилган вақт ва муддат Манзил: Бухоро вилояти Бухоро шаҳар Б.Нақшбанд кўчаси 352 уй.
15	Молиялаштириш манбаи	Бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан
16	Молиялаштириш тартиби	Бунда: Танловда ғолиб чиққан иштирокчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдорида аванс ўтказилади, қолган 70 % ишлар якунлангандан сўнг амалга оширилади.
17	Шартнома тили	Ўзбек тилида
18	Шартнома валютаси	Сўмда
19	Мурожаат учун телефонлар	65-221-60-00 Бурхонов Бурхон


Бошлик ўринбосари

С. Қурбонов



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Бухоро вилояти божхона
бошқармаси бошлиғи
ўринбосари, божхона хизмати
подполковниги



С.Қурбонов

2022 йил

**Бухоро вилояти божхона бошқармаси
ХАРИД КОМИССИЯСИНИНГ**

““Олот” чегара божхона постининг йўл қопламасини темир-бетон қопламага алмаштириш ҳамда ҳудудини ободонлаштириш ишлари бўйича ишчи лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва муаллифлик назоратини амалга ошириш бўйича” ИШ ТАРТИБИ (РЕГЛАМЕНТИ)

2022 йил “08” июнь

Бухоро шаҳри

Раислик қилувчи:

Бошлиқ ўринбосари С.Қурбонов.

Қатнашдилар:

МТТ бўлими бошлиғи в.б Б.Бурхонов, Шахсий хавфсизлик бўлими бошлиғи А.Шамсиев, Молия-иқтисодиёт бўлими инспектори Ф.Рўзиев, Ахборот-коммуникация технологиялари ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлими бош инспектори И.Бозоров.

КУН ТАРТИБИ:

““Олот” чегара божхона постининг йўл қопламасини темир-бетон қопламага алмаштириш ҳамда ҳудудини ободонлаштириш ишлари бўйича ишчи лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва муаллифлик назоратини амалга ошириш бўйича” танловларни ўтказиш масаласи.

Йиғилишни раислик этувчи С.Қурбонов ўз кириш сўзи билан очиб, кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш қатнашчиларига таништириб ўтди.

Раислик этувчи С.Қурбонов ўтказиладиган танловларни белгиланган тартиб асосида қонуний ўтишини таъминлаш, танлов ҳужжатлари талабларига мос равишда ташкилотларни танлаш, танловлар жараёнини комиссия аъзолари томонидан маъқулладиган ва буюртмачи томонидан тасдиқладиган Иш тартиби (Регламенти)га асосан ўтказиш мақсадга мувофиқлигини билдириб ўтди.

Шунингдек, Шахсий хавфсизлик бўлими бошлиғи А.Шамсиев сўзга чиқиб, танлов иштирокчилари томонидан танлов ҳужжатлари таркибида коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг, МТТ бўлими бошлиғи в.б Б.Бурхонов танлов ҳужжатларини техник баҳолаш иштирокчилар тақдим қилган ҳужжатлар таркибидан малакасини аниқлаш орқали, шунингдек нархга оид таклифларини баҳолаган ҳолда харид комиссиясининг кўпчилик овози билан ҳал қилинишини, шу каби давлат харидини амалга оширишда маҳаллий ташкилотлар танловда иштирок этишлари, охириги 3 йиллик тажрибасини ҳисобга олиш, тегишли лицензияга эгалиги, танлов иштирокчиларининг бошқарувчи ва муҳандис-техник ходимларнинг диплом ва меҳнат дафтарчалари борлиги, танлов савдоси иштирокчисининг ташкилий структураси ҳақида маълумот, лойиха ишларини бажаришда фойдаланадиган лойиха ташкилотининг жихоз(оргтехника)лари ва туман ва шаҳар Давлат солиқ идорасидан иштирокчининг қарздорлиги бор ёки йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни баҳоланиши натижалари бўйича танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаган танлов иштирокчилари таклифларини танловдан четлаштирилиши борасидаги таклифини киритди.

Булардан ташқари, танлов предмети бўйича бирлашган юридик шахслар (консорциум, ассоциациялар, ҳамкорлик ва бошқалар)нинг танловда иштирок этишига рухсат бермаслик ҳамда танловда иштирок этаётган ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифлар таҳлил қилиниши натижасида нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу иштирокчилар танловдан четлаштирилиши тўғрисида комиссия раиси ўз таклифини киритди.

Комиссия аъзолари эълонни давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида 5 иш кунда кўриб чиқиладиган тартибда жойлаштирилишини маъқулладилар.

Юқоридаги таклифларни танловлар жараёнида қўллаш бўйича танлов комиссияси раиси томонидан танлов комиссияси аъзолари ўртасида овозга қўйилди ва унинг натижасига кўра:

“Розилар”	- 5 овоз;
“Бетарафлар”	- 0 овоз;
“Қаршилар”	- 0 овоз.

бир овозда маъқулланди.

Кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилган ҳолда ҳамда билдрилган таклифларни инобатга олиб, танлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кун тартибига киритилган масала кўриб чиқилган деб ҳисоблансин ҳамда танлов комиссияси аъзолари томонидан бир овозда маъқулланганлиги инобатга олинсин ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган таклифлар давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида 5 (беш) иш кунда кўриб чиқиладиган тартибда жойлаштирилсин. (манзил Бухоро ш. Б.Нақибанд кўчаси 352-уй)

3. Танлов ташкилотчисининг зиммасига танлов комиссиясининг қарорлари асосида қабул қилинган шарт ва талабларни танлов ҳужжатлари таркибига киритиш юклансин. Шарт ва талабларни инобатга олиб, танлов предмети бўйича ишлаб чиқилган танлов ҳужжатлари, таркибидagi шакллар ва иловалар ҳамда уларни тақдим этиш бўйича қўйилган талаблар тасдиқлансин.

4. Лойиха ташкилотларини танлаш бўйича шартлар ва маълумотлар 1-иловада, танлов ҳужжатлари намунаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган таклифларнинг таҳлилида нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланганда, бу каби иштирокчилар танловдан четлаштирилсин.

6. Танлов шартларида маҳаллий иштирокчиларига иштирок этиш учун устунлик белгилансин.

7. Танлов иштирокчилари томонидан танлов ҳужжатлари таркибида коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этилиши белгилансин.


8. Буюртмачи томонидан танлов предмети бўйича бирлашган юридик шахслар (консорциум, ассоциациялар, ҳамкорлик ва бошқалар)нинг танловда иштирок этишига рухсат бермаслик тўғрисидаги таклифи комиссия аъзолари томонидан маъқулланганлигини инобатга олиб, уларни иштирок этишига рухсат бермаслик таклифи тасдиқлансин.

9. Танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни техник баҳолаш ва молиявий баҳоланиши мазкур харид комиссиясининг кўпчилик овози билан аниқланиши тасдиқлансин.


Комиссия котиби:


 3. Ражабов

Комиссия аъзолари:

 Б. Бурхонов

 А. Шамсиев

 Ф. Рўзиев

 И. Бозоров